

«Микрокредитбанк»нинг Пахтабод тумани филиали томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, қишлоқ ҳудудларида тадбиркор аёллар фаолияти янада кенгаймоқда.

Тадбиркор аёллар

Туманинг «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Юкори текстил» унитар корхонаси раҳбари Сарвиноз Ҳақимова банкдан олган 6 млн. 200 минг сўмлик кредит ҳисобидан ишлаб чиқаришни янада кенгайтирди. — Тикув цехимизда ўн нафар аёл меҳнат қилиб келмоқда, — дейди тадбиркор. — Биз асосан ташкилотлар буюртмасига кўра махсус иш кийимлари, мактаб, коллеж ва қишлоқ хўжалиги ходимлари учун этаклар, аҳоли учун қузғиқишкы замонавий костюм — юбкалар, палтолар, қизлар учун тўй либослари тикишни йўлга қўйганмиз. Кредит ҳисобидан келгусида яна 10 та иш ўрни яратиш ниятидамиз.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ФАРФОНА

Марғилон шаҳридаги «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини марказида қад ростлаган «Ўзбегим» мажмуи барчани мамнун этди. Кенг, кўркем тантаналар зали, хизмат кўрсатиш ва сервис, савдо шохобчаси, гўзаллик салони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла қошонаси

Мажмуанинг бунёд этилишида тадбиркор Оллоёр Фозиловнинг хизмати катта бўлди. Бизнес лойиҳани амалга ошириш учун «Қишлоқ қурилиш банк»нинг шаҳар бўлимидан 160 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. О.Фозиловнинг режалари катта. У 800 кв.м.дан ортиқ майдонда бир неча қўшимча фаолият турларини ишга тушириш ниятида. Демак, яна ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

М. МАҲМУДОВ

ЖИЗЗАХ

Жиззах шаҳрида улкан спорт мажмуи — жаҳон андазаларига мос стадион қуриляпти.

Жаҳон андазаларига мос

12 минг томошабинни ўз бағрига олиш имкониятига эга бўлган мазкур иншоотга 63 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Футбол майдони билан бирга ёпиқ сув ҳавзаси, гимнастика зали, кураш, жўл жанг заллари ҳам бунёд этилади.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД

Самарқанд туманидаги «Оҳали олтин боғлари» фермер хўжалиги аъзолари эл дастурхонига файзу барака киритишмоқда.

Боғлар болга тўлганда

Салкам 600 гектарлик майдонда Германия, Украина сингари давлатлардан келтириб ўтказилган қўчалар ҳосилга кирди. Интенсив боғнинг ҳаққарида 22 тоннадан мева йиғиштириб олинапти. Бу ўтган йилдагидан икки баробар қўлдор. Хўшнинг бир қисми қайта ишлаш корхоналарига, бир қисми эса махсус музлатқичли обдорхоналарга саклаш учун юборилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 24-sentabr, seshanba № 117 (3310)

Халқаро анжуман

«Зомин» санаторийсида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Санатор-курортлар тизимида соғломлаштириш ва тиббий туризм хизмат сифатини ривожлантиришга бағишланган долзарб масалалар» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Интеграция — имкониятлар калити

Унда Озарбайжон ва Қозоғистон касабаси уюшмалари Федерациялари, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг таниқли туристик компаниялари, тиббиёт клиникалари вакиллари, туризм бўйича халқаро мутахассислар, олим ва экспертлар, миллий туроператорлар ва касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, унинг қошида фаолият кўрсатаётган хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси масъул ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева иштирокчиларни самимий қутларкан, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сисъатининг устувор йўналишидан бирига айланганини таъкидлади. Соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши ёши узайиб, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси юқори сифат даражасига кўтарилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими яратилди.

Ушбу жараёнда аҳолини соғломлаштириш ва соғлом турмуш тарзини жорий этиш масаласи муҳим ўрин тутди. Шу боис Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, касабаси уюшмалари тизимидаги 15 та санаторий фаолияти самарадорлиги ҳамда улардаги тиббий хизмат сифатини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Айниқса, санаторийлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадига амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари, уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминлашни, тиббиёт ходимлари малакасининг мунтазам оширилиши натижасида тизимдаги ситахотлар нафақат республикамиз аҳолиси, балки хорижлик дам олувчиларни ҳам ўзига жалб этаяпти.

Сўнгги йилларда ушбу масканларда даволашнинг янги технологиялари — аэротерапия, рефлексотерапия, психотерапия, спелиотерапия СПА салонлар жорий этилди. Натижада, ўтган давр мубайнада санаторийларда 2,5 минг нафарга яқин хориж ва МДХ давлатлари фуқароларига соғломлаштириш ва реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Таъкидланганидек, анжумандан қўзланган мақсад — мамлакатимиздаги санатор-курорт муассасалари фаолияти самарадорлиги ва хизматлар сифатини ошириш, улардаги замонавий технологиялар базасини кенгайтириш ҳамда санатор-курорт муассасалари фаолиятининг туристик ташкилотлар билан интеграциясини кучайтиришдир. Шунингдек, давра суҳбатига республикамизнинг санатор-курорт тизимидаги туристик ресурсларга хорижий шерикларни янада кенгрок жалб этиш, шу орқали диёримиздаги бетакорр ва шифобахш иқлим шароитига ҳамда гўзал табиатга эга бўлган масканларни жаҳонга янада кўпроқ танитиш имкониятини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Эртақмонанд мажмуа

Урганч шаҳрида бунёд этилган «Ёшлар кўли» фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил қилинган тантанали тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 400 дан зиёд ёшлар, воҳа аҳолиси, ижодкор зиёлилар, санъаткорлар катнашди.

Иштирокчилар томонидан эътироф этилганидек, ушбу эртақмонанд мажмуа воҳа ёшлари учун муносиб туҳфа бўлди. Бу ерда маданий дам олиш учун барча шароит муҳайё. Айниқса, пурвиқор тоғлар, Хива минораларининг акс эттирилган Узгача манзара ҳосил қилган.

Тадбир доирасида миллий хунармандлик маҳсулотлари, амалий санъат намуналари кўргазмаси, миллий аъёналар намойиши ташкил қилинди. Бунда ёшлар фаоллик кўрсатгани юртимизда истеъдод эгалари қўлигидан ва уларга яратилган имкониятлар натижасидан ишончдор. Фолклор жамоаларининг чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кечки пайт «Ёшлар кўли»да «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шiori остида фестивал ва гала концерт бўлиб ўтди.

М. Тўрабоева

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдида

Ватанимиз узра Истиклол кўйи нур соча бошлаганига ҳам 22 йилдан ошди. Ана шу қисқа даврда юртимизда асларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия бериш орқали уларни Ватанини севишга, улуғлашга, иродали ва нозик дид соҳиблари бўлиб воғга етишлари учун замин тайёрлашга эътибор кучайтирилган кўчайиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори дастуруламал бўлмоқда.

Нозик дид соҳибларига совға

Хўжайли шаҳрида 150 ўринга мўлжалланган, замонавий типдаги болалар мусиқа ва санъат мактаби янги биносининг фойдаланишга топширилиши нозик дид соҳиб бўлиши истеъдодли болаларимизнинг шодлиғига шодлик қўшди. Қўлигул қурувчилар тарафидан барпо этилган ушбу маскан қад ростлаши учун икки миллиондан ортиқ икки юз икки миллион сўмлик маблағ сарфланди. — Юртбошимизнинг ота-

ларча гамхўрлигидан нафақат санъатсевар болажонларимиз, балки биз ўқитувчи-устозлар ҳам хурсанд бўлмоқдамиз, — дейди касабаси раиси Сирожиддин Ниетуллаев. — Сабаби, шу пайтгача кичкина бир бинода эскирган мусиқа қолғуларидан фойдаланиб дарс ўтар эдик. Мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун янги замонавий мусиқа қолғу асбоблари харид қилинди. Улар орасида хориждан кел-

тирилган 2 та роял, 10 та фортепиано ҳам бор. Узинида ишлаб чиқарилаётган рубоб, дутор, доира, най ва гижжак каби миллий қолғу асбоблари ҳам таълим жараёнини яхшилашга хизмат қилади, албатта. Шу пайтгача мусиқа мактаби 7 йўналиш бўйича фаолият кўрсатган бўлса, бу йилдан бошлаб театр, хореография ва тасвирий санъат йўналишларида ҳам машғулотлар йўлга қўйилди.

сика ва санъат сирларини кунт билан ўрганмоқда. — Тўғриси айтсам, мактабимизда мусиқа ва санъат сирларини ўрганаётган ёшларга жуда ҳавасим келди, — дейди мактаб директори Қиличбой Қарлибаев. — Маррани доимо банд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники! — деган эди муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йилгирма икки йиллигига бағиш-

Ватанимга хизмат қиламан — дейди намунали тарбия маскани ўқувчилари

Ёзёвон автомобил мактаби жамоаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий қақирқ ёшидаги ўсмирлар ўртасида мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ислохотларни тарғиб этиш, улар қалбига она Ватанга муҳаббат тўйғусини шакллантириш, энг муҳими, касб-хўнарга ўргатиш, спортга қизиқтириш борасида таҳсинга лойик ишларни амалга оширмоқда. Қуролли Кучлар ва халқ хўжалиги учун техник мутахассислар тайёрлаб бераётган маскани вилоятнинг Ёзёвон, Қўштена, Қува, Олтиарик ва Тошлоқ туманларидан келган ёшлар таълим олмақда.

Мақтабда ёшларнинг мутахассисликни пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. 75 ўринга мўлжалланган курсантлар ётоқхонаси таъмирланиб, жиҳозланган. Бу ерда волейбол, футбол майдонлари, теннис столи, шахмат-шашка ўйнаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлиб, эрталаб ва дарсдан сўнг билим олувчилар жисмоний тарбия машғулоти билан белмал шугулланиш имкони мавжуд. Қолаверса, ётоқхонада яшовчи курсантлар 100 ўринга мўлжалланган ошхона хизматидан фойдаланиши мумкин. — Автомобил мактабимиз жамоаси профессионал миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама чиниққан, билимдон кичик мутахассисларни тайёрлаш ишига сидқидилдан ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди мактаб бошлиғи Исроиљон Раҳмонов. —

Бу ерда ўз касбининг моҳир усталари Зайлобиддин Низомов, Абдуманноп Йўлдошев, Фанижон Ҳамидов, Элёр Низомов, Дилмурод Ваҳобов каби фидойилар ёшларга сабоқ бермоқда. Мактабнинг барча ўқув хоналари кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Курсантларнинг амалиёт ўтиши учун машғулот хоналари ташкил этилган. Махсус синфлар автомобиллар агрегатлари, йўл ҳаракати хавфсизлигига доир кўргазмалар, стендлар билан таъминланган. Бу ерда ўқувчилар тўрт ярим ой мобайнида ҳарбий кўникмага эга ҳайдовчи бўлиб етишади. Мактабимиз йил давомида Қуролли Кучлар сафига 150 нафар «В», «С» тоифали ҳарбий ҳайдовчиларни тайёрлаб бермоқда. Мактабда ишлаб топилган маблағ мактаб ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, авто-

транспорт воситалари, ускуналари, эҳтиёт қисмлари сотиб олишга сарфланаётди. Автомобил мактабига турли саналарга бағишлаб спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳам анъанага айланган. Жумладан, Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ташкил топганига 21 йил тўлиши муносабати билан тумандаги ҳарбий хизматга қақирилувчи ёшлар ўртасида «Кўпқураш» мусобақаси ўтказилди.

Мустақилликнинг 22 йиллигига бағишлаб туман истироҳат боғида, автомобил мактабига маданий тадбирлар ташкил этилди. Унда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Мудофаа ишлари туман бўлими, «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши вакиллари катнашди.

Мақтаб жамоаси тумандаги касб-хўнарга қўшқилган ва умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий ватанпарварлик, маънавий-маърифий ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

МуҳаммадҲон МАҲМУДОВ, меҳнат фаҳрийси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида УзКУФК Санатор-курортлар бошқармасининг махсус дастурига асосан сихатгоҳлар мутахассислари қатор хорижий мамлакатлар, хусусан, Чехиянинг «Карловы Вары» курортида ҳам тажриба алмашиш билан бирга малака ошириб қайтишди. Санаторийларда фаолият кўрсатаётган ошпазлар эса Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси қошидаги «Халқаро Ўзбек пазандчилиги санъати маркази»да миллий ва Европа таомларини тайёрлаш бўйича тажриба ортирдилар.

Интеграция — имкониятлар калити

Мазкур нуфузли анжумани ўтказиш жойи этиб бежиз «Зомин» санаторийси танланмади, албатта. Жамоа УзКУФК томонидан «Энг намунали санаторий — 2013» республика кўриқ-танлови ғолиби дея эътироф этилган бўлиб, барча иштирокчилар олдида тегишли диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди. Ҳар йили тизимдаги сихатгоҳларда 97 минг нафардан ортиқ даволанувчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 44,5 мингдан зиёд киши соғломлаштирилди. Эътиборлиси шундаки, тизимдаги ҳар бир санаторий кўп тармоқли бўлиш билан бирга, кардиологик, гастроэнтерологик, гинекологик, неврологик, пульмонологик ҳамда нефрологик касалликларни даволашга ҳам ихтисослаштирилган.

Маънавият соатлари



Жонли мулоқотлар

Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ва унинг тасарруфидоги корхона, ташкилотларда Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Маънавият соатларида Президентимизнинг «Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи мазмун-моҳиятини меҳнаткашларга етказиш бўйича жонли мулоқот ўтказилди. «Максам-Чирчиқ», «Аммафос-Максам», «Биокимё», «Кўқон-спирт», «Фарғонаазот» ОАЖларда, «Дехқонбод калий ўғитлар заводи» УҚда бўлиб ўтган тадбирларда ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўқокларининг пайдо бўлаётгани, бу каби ҳолатларнинг жаҳон жамоатчилигида катта таъвиш уйғотаётгани қайд этилди. Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок, афғон моҳоросининг тинч йўл билан ҳал этилишини ёқлаб келаётгани, Юртбошимизнинг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб гапирётгани таъкидланди. Энг муҳими, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туйғайли Ватанимизда тинчлик ҳукм сураётгани шукроналик билан тилга олинди.

Мазкур тадбирларда ёзувчи-шоирлар, етук олим ва мутахассислар билан бир қаторда, касабаси уюшма фаоллари ҳам фаол иштирок этишди. Жумладан, «Навоийазот» ОАЖ жамоаси билан ўтказилган учрашувда бирлашган кўмита раиси Мавжуда Халилова мамлакатимизда кейинги йилларда эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, халқимиз дунёқарашини ўзгарганилиги — барча-барчаси мустақиллик шарофати эканини эътироф этди. «Электромеханика заводи» ЁАЖда ўтказилган «Маънавият соати»да бирлашган кўмитанинг махсус муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Собир Ўзлагов «Юрт тинчилиги ва халқ фаровонлиги — халқимизнинг улкан ютуғидир» тавзулида маъруза қилди. «Тошкент лок-бўёқ заводи» ОАЖдаги учрашувда бирлашган кўмитанинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Зайниддин Уринбоев Президентимиз Исроил Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» деб номланган китоби юзасидан қизиқ қилди. «Совластатил» ОАЖда бўлиб ўтган «Маънавият соати»да эса бирлашган кўмитанинг етакчи юристконсулти Орифжон Гайназаров «Оиладаги турмуш ободлиги — мамлакат ободлиги» мавзусида сўз юритди. Жонли мулоқот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ш.РАМАЗОНОВ, Кимё соҳаси бўйича республика БКУК нинг етакчи мутахассиси

тивларни бошқариш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Айбек Дадамбаев, Озарбайжон «Курорт» АЖ президенти Абиля Риза Гулу ўғли Агасиев санатор-курорт ва туризм фаолиятининг замонавий усуллари, курортология ва физиотерапиянинг исботлаш базасини ривожлантиришга, курортология ва физиотерапияда исботлаш тиббиёти куролларини жорий этиш, соҳада замонавий шаклдаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш (клиник қўлланмалар, стандартлар, протоколлар ва б.) ва хизматлар сифатининг халқаро стандартларини жорий этиш тажрибалари ҳақида маъруза қилдилар.

— Тиббий туризм МДХ мамлакатларида янгидан тикланиш жараёнини бошдан кечирмоқда, — дейди мутахассис Мухтарам Исмоилова. — Бу соҳа Германия, Исроил давлатларида ривожланган. Ҳар йили 50 млн. америкалик

рургияси каби ўн бешга яқин соҳадан бўйича диагностика, даволаш ва реабилитация жараёнини ўтказишни ташкил қилади. 1600 нафар врач ишлайдиган клиникимизда йилига бир миллиондан ортиқ киши шифо топади. Ҳар кун икки юзтагача операция жараёни муваффақиятли кечади. Мен кардиолог мутахассис сифатида ўз тажрибаларимдан лавҳаларни слайдлар воситасида анжуман иштирокчиларига сўзлаб бердим. Ўз навбатида, мен ҳам янги тажрибалардан воқиф бўлдим. Бундай ҳамкорликнинг келгуси фаолиятимизда нафи катта бўлишига ишонман.

Тадбирда касабаси уюшмалари тизимидоги санаторийлар мутахассислари ва хорижлик соҳа ходимлари ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлишди. Ев-

ропа, Осиё ва МДХ давлатларидан таширф буюрган мутахассислар инсон саломатлигини мустаҳкамлашда санатор-курорт хизматининг аҳамияти тўғрисида тахлийли мулоҳазаларини билдиришди. Халқаро анжуманда хорижлик мутахассислар Ўзбекистон сихатгоҳлари фаолиятига юқори баҳо бериб, келгусида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш истагини билдиришди. Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада чет эл компанияларининг диагностика ва физиотерапевтик жиҳозларини намойиши ўтказилди. Хорижий иштирокчилар ва меҳмонлар Зомин туманидаги диққатга сазовор масканлар билан танишдилар. Давра сўхбати якунида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ташаббус

Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси ўз сафига 4000 дан зиёд аъзони бирлаштирган бўлиб, улар яқдилликда, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Касабаси уюшма кўмитаси учун алоҳида хона ажратилиб, дид билан жиҳозланган. Ҳар бир ходим билим ва кўникмаларини ошириши йўлида касабаси уюшма ҳаётига доир китоб, қўлланма, газета ва журналлар тўпламлари келтириб қўйилган. Бундан ташқари, врачларимиз томонидан фуқаролар мунтазам қабул қилиб борилади.

Ниятимиз — нафр келтириш

Кўмитамиз аъзоларидан Қаҳрамон Бадалбоев, Нўмонжон Розиков, Орзихон Исмоилова ва Зарифахон Каримовалар ходимлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, улар билан ҳамкорликда, ёнма-ён иш олиб боришмоқда. Шу сабабли зарур бўлган моддий ва маънавий ёрдамлар ўз вақтида кўрсатиб келинмоқда. Шу йил Халқаро хотин-қизлар байрамида фаол меҳнат қилиб келаётган 100 нафардан зиёд аёл касабаси уюшма кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Кўмитамиз фаоллари туманимиздаги Қорабоғиш қишлоғида Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси асосида ўтказилган катта тадбирда иштирок этди. Унда «Сумалак байрами» ташкил қилиниб, кам таъминланган оила аъзоларига совға-салом тарқатилди. Фаолларимиз пенсияга чиққан фахрийлардан тез-тез ҳол-аҳвол сўраб туришавди. Утган йили ходимларимиз Абдуваҳоб Отахонов, Алижон Исақов, Пулатхон Гапоров, Маамиржон Қориқоновлар ҳолидан хабар олинди. Ҳар йили ўтказилаётган Жаҳон саломатлик кунини ёзиб, касабаси уюшма кўмитаси ходимлари учун энг қувончли саналардан ҳисобланади. Шу кунини барча тиббий хизматлар бепул. Ушбу тад-

бирда фаол қатнашган ходимларимиз муносиб тақдирланади. Бу йил ўтказилган тадбирда ҳам 12 нафар ходимимиз қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Меҳнатда фидойилик кўрсатаётган 6 нафар ходим Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига саёхатга бориб келди. 150 нафар ишчи-хизматчимиз эса Андижон, Фарғона вилоятлари бўйлаб саёхатда бўлиб, мустақиллик даврида қурилган иншоотлар билан яқиндан танишдилар. Касабаси уюшма кўмитаси аъзолари томонидан Хотира ва қадрлаш кунини турли спорт мусобақалари ташкил қилиш аниқланаётган. Унда иштирок этганларга спорт кийимлари тақдим этилиб, бошқа моддий ёрдамлар кўрсатилди. Кўмитамиз фаолиятидаги яна бир савобли ишларимиздан бири касабаси уюшма ҳисобидан Қорабоғиш қишлоғида яшовчи кам таъминланган оила фарзанди Наврўзбек Абдуҷабборовга хатна тўйи ўтказилиб, велосипед совға қилинди. Мустақилликнинг 22 йиллиги арафасида эса ходимларимизнинг 115 нафар фарзандига ўқув қуроллари совға қилинди.

Ўқтамжон МАМИРОВ, Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раиси

Эртамиз эгалари

Тобора глобаллашиб бораётган даврда ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, турли мафзуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан олий ўқув юртларида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ёшларни «оммавий маданият» хуружларидан асраш, ахборот технологиялари, хусусан, интернет орқали кириб келаётган маънавий таҳдидларга нисбатан уларда кучли иммунитетни шакллантириш, талаба қизларнинг ўқув даргоҳларида кийинчи ва ўзини тутиш маданиятини ошириш, миллий кадриятларни кенг тарғиб қилиш ва эрта никоҳлар, тўй ва маросимларни дабдабали ўтказиш каби муаммоларни бартараф этишда кўпроқ ёшларнинг иштирокини таъминлаш каби йўналишларда ўтказилган юздан ортиқ тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармаси молиявий ва техник кўмағида Тошкент

етақчилардан тарғибот гуруҳлари шакллантирилди. Пойтахтдаги 33 та олий ўқув юртида ўтказилган тадбирларда ёшлар таълими даврида ҳар бир талабага ўз маҳалласида миллий кадриятларни тарғиб этиш, ёшлар-

Дахлдорлик ҳисси

нинг миллий урф-одатларга амал қилиб яшаш, аввало, она тилини пухта билиши зарурлиги, шунингдек, ҳаётида айрим муаммоларни вазиятларни бартараф этишда уларнинг ўзи етакчи бўлишини таъминлаш мақсадида «Обод турмуш йилида маҳалламга қандай кўмак бердим?» мавзусидаги топшириқлар берилган эди. Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройини Таълим ва ҳаёт қизлар кўмитаси ҳамда Олий таълим

Касабаси уюшмаси ҳаёти

Эътибор барчага етади

Касабаси уюшмалари тизимда амалга оширилаётган ислохотлар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари тармоғида ҳам акс-садо берди. Ҳозирда тармоқ касабаси уюшмалари Урганч шаҳар кенгаши ўз атрофида олти мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Бошланғич ташкилотлар сони 100 га яқин. Кенгаш томонидан улар фаолиятини тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир бошланғич ташкилотда ҳужжатларнинг талаб даражасида юритилиши назоратга олинган.

Қолаверса, ҳар бир аъзо ҳаёти ва фаолиятида касабаси уюшмаларининг ўрнини ошириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўра-япмиз. Мисол учун, «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Урганч техника мактаби ишчи-ҳодимларидан турт нафарига тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Мактаб синфлари ва автосаройи мукамал таъмирдан чиқарилиши ходимларнинг юқори шароитларда фаолият кўрсатишини кафолатлади.

«Бўш вақт — уш вақт» тамойилига риоя қилиб, ҳар бир бошланғич ташкилотда белгиланган режа асосида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Хоразм вилоят инкассация бошқармасида ташкил қилинган спорт тадбирлари барчада катта таассурот қолдирди. Мусобақалар аъзоларимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти. Фолиблар касабаси уюшмалари совғаларига сазовор бўлишга эришди. Касабаси уюшма аъзоларини истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар билан таништириш, улкан маънавий меросимиздан баҳраманд бўлишини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят адлия бошқармаси ва унинг тасарруфидоги ташкилотлар ходимларидан 70 нафари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхат қилишди.

Шаҳар кенгаши аъзолар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Йилнинг биринчи ярмида 15 киши ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан, 9 киши касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан республикамизнинг турли сихатгоҳларида соғломлаштирилди. Меҳнаткашларнинг 37 нафар фарзанди «Шодлик», 23 нафари «Автомобилчи» оромгоҳида ёнги таълимий мароқли ўтказди. Аъзоларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида йилнинг ўтган даврида кам таъминланган оилалардан 15 нафарига моддий ёрдам кўрсатилиб, олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар шартнома пулларининг бир қисми иш бевуричи ҳисобидан қолланди. Тармоқ тизимига қарашли харбий қисм ходимларидан 40 нафарига 2 млн. сўмлик қимматбаҳо совғалар туҳфа қилинди.

Кенгашимиз томонидан юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Аъзолар орасида Ватан ҳимоячилари, бўлажак сержантлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари борлиги зиммамизга янада улкан масъулият юқлайди. Ҳар бир бошланғич ташкилотда истиқлолни, Ватани тараннум этувчи, мустақиллик йилларида барча жаҳонларда эришилган муваффақиятларни акс эттирувчи давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилди. Бу тадбирлар қалбимиздаги гурурнинг янада юксалтириш, мустақил Ўзбекистон кадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз эканлигини ҳис қилиб яшашимизга туртки бўлмоқда.

Раъно БОБОЖОНОВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси



Мамлакатимизда истеъмол бозорини замонавий ва сифатли қурилиш мақсулотлари билан тўлдирishга хизмат қилувчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Building Materials Production and Trading» МЧЖ шаклидаги қўша корхона ҳам айни пайтда ички бозорни сифатли шифер билан таъминлаб келаётир. Йил давомида 2 миллион 500 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона мақсулотлари ўзининг сифатлилиги ва чидамлилиги билан харидорларга маъқул келмоқда. Айни пайтда бу ерда 240 нафардан ортиқ ишчининг унумли меҳнат қилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Суратда: Корхона ишчиси Достон Марасулов иш пайтида. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат



Ёшлар маркази



Кўкон шаҳри кўрғи кўрқ қўшиб турган Ёшлар марказида интеллектуал ва ижодий саноҳияти юксалтириш ҳамда касб-хунар ўрганиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда ёшлар хорижий тиллар, журналистика, миллий чолу асбоблари ижрочилиги, компютер саводхонлиги, тикувчилик каби тўғарақларда, шунингдек, «Ёш тадбиркорлар», «Бунёдкор ёшлар» клубларида билим ва кўникмаларини ривожлантиришда. Марказда маданий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, бадиий хунармандчилик, амалий ва тасвирий санъат асарлари кўргазмалари намойиш этилаётир. Фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган «Ёш оналар мактаби», шунингдек, Фарғона вилояти «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Кўкон шаҳар бўлими ишлаб турибди.

Суратларда: Кўкон шаҳридаги Ёшлар марказида. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Саломатлик сабоқлари

СУТ КЎРКАМАЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Сут нафақат шифобахш озуқа, балки инсонга чирой ва кўрқ бағишлайдиган бебаҳо неъматдир. Куруқлашиб, ўз кўркини йўқотган терини асл ҳолатига келтириш учун табиий сут энг ноёб восита ҳисобланади. Бунинг учун сутли ванна қабул қилиш тавсия этилади.

Энг аввал, ваннани 37-38 градусли сувга тўлдириб, унга 3-4 литр сут солинади. Ана шу сутли ваннага 20 дақиқа ётиш керак. Бундай ванна одамга ҳузур бағишлаб, терини юмшатади, қон айланишини яхшилайдди. Шу билан бирга терини жилолантириб, одамга кўркамлик ва тетиклик ҳада этади. Ҳафтада бир марта сутли ванна қабул қилсангиз, яшариб, чиройингизга чирой қўшилади.

МОЙЧЕЧАК КЎЗ ЧАРЧАШИГА ДАВО

Кун бўйи кўзларимиз ҳаракатда бўлиб, кечга бориб чарчаб қолади. Айниқса, компютерда ишлайдиганлар, ҳайдовчиларнинг кўзлари тез толиқади. Бунинг давоси жуда осон. Бир чой қошиқ мойчечак гулларига 200 гр. қайнаган сув қўйиб, 15 дақиқа дамлаб қўйилади. Докага сузиб олиб, илиқ ҳолатда кўзлар ювилади, шундан сўнг 5 дақиқа мойчечак дамламаси шимдирилган дока кўзлар юмилган ҳолатда ушлаб турилади.

Еки 2 литр қайнаган сувга бир ҳовуч мойчечак солиб аралаштирилади. Ундан чиқаётган булга 10 дақиқа давомида юз тўтиб турилади. Бу муолажа нафақат кўзга, балки юз терисига ҳам шифо бағишлайди. Унинг таркибидоги кислоталар юз терисини тозалайди, юмшатади, намлик ва кўрқ беради.

МИКРОБГА ҚАРШИ ХАЛҚОНА УСУЛА

Саримсоқлиёз гарчи аччиқ ва ёқимсиз ҳидли бўлса-да шифобахшликда жуда ноёб дори ҳисобланади. Чунки, у танани микроблардан муҳофаза қилиш хусусиятига эга. Профилактика сифатида саримсоқлиёз еб юрганларга шу боис грипп ва вирусли касалликлар унча-мунчага яқинлашолмайди. Яна бир хусусияти борки, саримсоқлиёз билан «дўст»лашганларга хуснбузар чиқмайди.

Грипп мавсумида касаллик юқтирмалик учун саримсоқлиёз еб юриш тавсия этилади. А.НАБИЕВА

Саёҳат — роҳат

Таътил кунлари ўқув даргоҳимизда ташкил этилган «Ёш сайёҳлар» тўғараги аъзолари билан Бахмал тумани тоғлари, зиёратгоҳ жойларига саёҳат уюштирдик.

Бахмал — сўлим маскан

Бахмал номи унинг ўрмону ўсимликлар дунёсига ишора. Худуддаги Туркистон ва Морғузар тизма тоғларини боғлаб турадиган ниҳоятда гўзал ва оромбахш маскан Новқанинг табиати бой ва хилма-хил. Кўп асрлик арча ва чинор даракталари умрбоқийлик рамзи ҳисобланади. Шохларини эўрга қўтариб турган олма, бодом, pista каби мевали даракталар кишини ўзига беихтиёр маҳлиё этади. Бу масканда бир-

гина олманинг 20 га яқин нави парварош қилинади. Тоғларида кийикўт, пидана, нағматак каби доривор гиёҳлар мўл-кўл. Шунинг учун ҳам қадимдан табиблар юрти деган таърифни олган.

Сафар давомида Қонтомди дараси, тик ва осмонўпар қояларга лолу-хайрон боқдик. Теварак-атрофда бир неча сув манбалари мавжуд. Оқордан Тераклисой дарёсининг шовуллаши, анҳор ва жилгалардан

муздек сувнинг шилдираб оқшини эшитиб чарчоқни унутдик. Салқин тоғ шамоли руҳиятимизга хушнудлик бағишлади. Куннинг иккинчи ярмида

Новқанинг шарқий қисмида жойлашган Ўсман ота макбаси, Мўғол хонақоҳи ҳамда бир қанча масжид ва зиёратгоҳларда бўлдик. Иншоотлар бу ернинг ландшафтига уйғун. Ҳовузлардаги балиқлар муқаддас саналади. Хуллас, ўқувчиларимиз бир олам таассурот олишди.

Ботир МИРЗАКАРИМОВ, Жизжақ шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Онам «нафасим қисилиб, дармоним қуряпти», дедилар соғлиқларидан шикоят қилиб. Духтур чақиртирдим.

— Юрак етишмовчилиги, — дори-дармон ёзиб бериб, мужмал гапирди духтур. — Тўқсон — ҳазилакам ёш эмас, домла.

Онамнинг аҳоли кундан-кунга оғирлашиб бораётган эди. Муолажалар бироз ўзларига келтирди шекилли, мени ёнларига қақириб, тайинладилар: — Бугун анча яхшиман. Дардимнинг боши қайтган қўринадди.

Онамнинг кўлларини уқаладим. Елкамга қўл ташлаб, кўзимга тикилдилар. — Рангингиз оқариб кетибди. Қай-қурапсизми? Онани касал бўлган битта сизми? Оллоҳ олдида бандаси ожиз, ўғлим. Дўст бор — душман бор, қад-дингизни тик тутинг. Қабрим устига тупроқ тортиш насиб этган экан, мен сиздан розиман.

Овозим ўзгариб, кўзимга ёш қалқиди. — Ёш болага ўхшаманг, — танбех бердилар онам. — Хали-бери ўлмайман. Мошина оладиган навбатда турган эдингиз. Хабарни келди деб эшитдим. Насиб бўлса мошинингизни миниб кенжам — Тиллақизниқига меҳмонга борамиз. Сиздан, сингилларингиздан кўнгил тўқ. Ҳаммаларингиздан розиман.

Ичимдан бўрон бўлиб, шиддат олиб кўтарилётган титроқ танамни ларзага келтирди.

— Сизни бериб қўйдиган анойилардан эмасман, она, — юзмин-юзларига босдим.

— Хай-хай! Оллоҳга шак келтирманг, — қўлтиқлаб олдилар онам. — Онамгизга кавсар сувини ичиртирганмисиз? Қанчадан-қанча зотлар, уламолар ўятти бу омонат дунёдан. Мен деганингиз ким бўлман. Холадан онанинг ҳиди келади, деган ҳикматни эшитганмисиз?

— Ҳа, эшитганман, — ботик кўзлари, нурсиз юзларига тикилдим.

— Мабодо бандаликни бажо келтирсам ўрнимга холангизни қолдириб кетаман. У муштира мендан кейин кўп эзилди. Бир ўзи қолди-да. Ҳафтада бир кўриб, кўнглини кўтариб турунг. Мени сизга бошқа айтадиган гапим йўқ.

Онамнинг кўлларини ўпиб, кўзимга

суртдим. Бошимни кўкракларига қўйдим.

— Йиғлапсизми? — сўрадилар онам бошимни кўтариб. — Сиз болаларимга ота ўрнидасиз. Хали уларга кўрсатадиган ибратингиз шуми?

Орадан бир кун ўтгандан кейин онам омонатини топширди.

Онамни тупроққа топширганмизга-ям беш йил бўлди. Унинг ўлимидан бир йил ўтар-ўтмас, холамнинг икала кузи кўрмай қолди. Бу дарди бедавога чора топилмади. Бунинг устига юраги хасталанди. Тўшаққа михланма қолди. Ёруғ оларини кўриб юрган одамнинг кўзлари кўрмай қолса ёмон экан. Бечора холам чўндай озиб кетди. Овози шикаста — заиф. Йилда икки марта даволатида ўрил-қизлари. Бироз ўзига келгандай бўлади. Аммо,

аҳвол ўша-ўша. Дард устига чипқон деганларидай, эрининг қон босими кўтарилиб, бир кечада қўлоғи ишламай, тилдан қолди. Энди бир ўйда ётган икки мажруҳа парварош керак. Ҳафтанинг охирида ишдан барвақтроқ чиқаману бозорга тушаман. Иссиқ нон, юмшоқ пишириқлар, ул-бул харид қиламан. Уйлари йўлнинг устида. Кираман. Ҳовлига қадам қўяр эканман, холам билан почманинг аҳволлари кўз ўнгимда гавдаланади. Кейинги бозорда, оёғим ўзимга итоат этмай қолади.

— Назокат келин, яхшимисиз? Холам билан почманинг аҳволлари қандай?

Келин мени очик чехра, меҳрибонлик билан кутиб олади.

— Худого шукр, яхшилар. Келинг, домлажон. Бугун уқоллари тугади. Ҳозир духтур аммамнинг охириги томчиларини қўйиб кетди. Мен ҳозир... Бироз кутиб турасиз-да, эди.

Келин югуриб уйга кирди. Холамга менинг келганимни айтиб, уйғотади. Рўмоларини ечиб, бошқатдан ўраб қўяди. Кийимларини тартибга келтиради. Кейин поччамга кўмак бериб, ўрин-

ларига ўтиргизиб, орқаларига болиш қўяди.

— Ассалому алайкум-м!

Холам кучоқ очади. Тиззалаб ўтириб, юзмин юзларига босаман.

— Панохим! Йўқловчим! — холам елкаларимни сийпалайди. — Менгина ўлиб қолсам бўлмайми? Нима ёзугим бор эдики, менга бу кўргуликларни берди. Умрим бемаза бўлди. Юрломасам, келганларни кўролмасам... Онамгиз фаришата аёл экан, бир ҳафтанинг ичида омонатини топшириб, чин дунёга кетдилар.

— Аммажон... — келиннинг елкалари титрайди.

Холамга бардош тилаяпти-ю, ўзига тилай олмапай.

— Ҳар келганларида йиғлай берсангиз, домла хафа бўладилар... Кейин келмай қўядилар.

Кейинги сўрашиш ва аҳволлашиш навбати поччамга келади. Оҳ! Қандай бақувват, Алпомош келбатли, беш киши бажарадиган қора меҳнатни бир ўзи бажарадиган одам эди. Нотавон, мажруҳ бир жасадга айланган қолганига қарангиз-а?! Поччам билан сўрашаман. Бир нарсалар деб жавоб қайтармоқчи бўлади-лар-у, гапларини тушуниб бўлмайди. Бир оғиз гапириб қулади, бир оғиз гапириб йиғлайди. Келин хонага чўккан изтиробни кўвмоқчи бўлади.

— Аммажон, сиз яхши кўрадиган седанали юмшоқ нондан олиб келибди-лар. Мана, бир ушлаб кўринг.

Холамнинг чўзилган кўлларига нонни тутқазади. Нонни тавоф қилиб четидан бир бўлак синдириб оладилар.

— Қолганини қайнотангизга беринг, қоқиндик, — келинидан илтимо қиладди холам. — Сутни пиширар бўлсангиз, нон тўғраб беринг. Юмшоқинга бўлади.

Келин дастурхон ёзиб, олиб келган

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2013»

Венгриянинг Будапешт шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон чемпионати якунланди.

Элмурод полвоннинг бронза медали

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан етти юзга яқин энг сара полвонлар иштирок этган жаҳон чемпионатининг юнон-рум кураши беллашуварларида ҳамюртимиз Элмурод Тасмуродов бронза медалга сазовор бўлди.

Олтмиш килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан

Осиё чемпиони Э.Тасмуродов хорватиялик Тонимир Сокол, украиналик Дмитрий Цимбалюк, япониялик Казума Курамото ва қозоғистонлик Алмат Кебиспаевни мағлубиятга урратиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Бу ўзбек полвонларининг мазкур жаҳон чемпионатидаги



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 25-29 сентябр кунлари Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган 2014 йилги (U-16) Осиё чемпиони саралаш баҳсларида Яман ҳамда Фаластин ўсмирлар терма жамоаларига қарши майдонга тушади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Темура Олимжўжаев ўз шогирдларининг саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этиши учун ҳар томонлама тайёр эканини таъкидлади.

— Саралаш баҳслари олди-дан етарлича тайёргарлик кўрдик. Яман ҳамда Фаластинга қарши кечадиган учрашувларда мазмунли ва чиройли ўйин кўрсатиб, келаси йили Таиландда бўлиб ўтадиган Осиё чемпиони баҳсларига йўлланмани кўлга киритишни истаётимиз, — дейди Т. Олимжўжаев. — 18 сентябр кунлари Катари ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашуви Тошкентдаги илк халқаро ўйин бўлган

Футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган Ўзбекистон (U-16) ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Темура Олимжўжаев Осиё чемпионати саралаш баҳсларига ўз шогирдлари тайёр эканини таъкидлади.

Футболчиларимиз баҳсларга тайёр

ни учун футболчиларимизда бироз ҳаяжон сезилди. Шу боис, имкониятлардан фойдалана олмадик.

Бош мураббийнинг маълум қилишича, таркибдаги икки футболчида кичик жароҳат бор. Аммо 27 сентябр кунлари бўлиб ўтадиган илк ўйингача улар сафга қайтиши кутилмоқда. Қайд этиш лозимки, 24 сентябр кунлари футболчилар билан саралаш ўйинлари олди-дан машғулотлар бошланади.

— Саралашдан муваффақиятли ўта олсак, олдимизда етарлича вақт бўлади. Бу мuddат оралиғида терма жамоада селекция ишларини олиб боришни ва таркибга яна бир қатор иқтидорли футболчиларни жалб этишни мақсад қилганмиз, — дейди Темура Олимжўжаев.

иккинчи медалидир. Биринчи бронза медали эркин кураш бўйича 74 килограмм вазн тоифасида Рашид Қурбонов кўлга киритган эди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси мабуот хизматидан маълум қилишларича, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати 2014 йилнинг сентябр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

СПОРТ

Эслатиб ўтамиз, Олимжўжаев шогирдлари саралаш баҳсларининг илк ўйинида 27 сентябр кунлари Фаластин ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушса, 29 сентябр кунлари «Жар» стадионида Яман ўсмирлар терма жамоасига қарши ўйнайди.

(U-16) ўсмирлар ўртасидаги ОЧ-2014 саралаш ўйинлари «В» гуруҳи. Тошкент. «Жар» стадиони. 25-29 сентябр.

Яман (U-16) — Фаластин (U-16)

27 сентябр Ўзбекистон (U-16) — Фаластин (U-16)

29 сентябр Ўзбекистон (U-16) — Яман (U-16)

«Туркистон-пресс»

та-қайнонага яхшилик қилсанг, бу яхшиликни қаринганимда болаларингдан қайтади. Агар дуо билан одам кўкарса, Назокат келин кўкаради».

Ишдан барвақтроқ чиқдим. Бозорга тушдим. Эртага ҳайит. Шу боис бозор гажум. Холамнинг ҳовли эшигидан кириб овоз бердим:

— Назокат келин! У-ў, Назокат келин! Келиндан жавоб бўлмади. Бозорлик қилган халтамни бир чеккага қўйиб, уйга кирдим. Холам тирсақларига таяниб, ёнбош ётган экан. Гавдаларини кўтаришга ёрдамлашдим.

— Менман, — дедим ўзимни таништириб. — Мен келдим, хола!

Холамни кучоқлаб олдим. У киши бўлса ўнг кўлларини бошим узра айлантриб, кўкрагига ура бошлади.

— Келдингизми, меҳрибонгизман, отагинман! Менинг жоним тошдан ҳам қаттиқ экан. Қанча одамлар ўлиб кетди... Мен яшайман. Ҳаляям бахтимга келимин бор экан. Жонимни унинг жонига берай деса, осмон балан, ер эса қаттиқ. Назокат келин қаёққа кетдикин-а? Қўринма-япти. Онамгиз яхши одам эди? Ёлғизинман, эгачигинман... Мени олиб келинг бу ёлгонча дунёдан.

Онамнинг холам ҳақдаги тайинлаган гаплари эсимга тушди. Шу тобда холам онам бўлиб кўринди кўзимга. Ўзини тутиб туролмадим. Бошимни елкасига қўйдим. Назокат келин югуриб уйга кирди ва мени холамнинг бағридан ажратди.

— Амма, бу нима қилиқ? Неча марта айтдим... Сиз домлани хафа қилаясиз. Энди келсалар, уйга киритмайман, эшитиб қўйинг.

— Туринг, домла, — қўлимдан қўлини ўтказиб олиб, туришимга кўмақлашди келин. — Бу кишиники шу...

Туришга турдим-у, тескари бурилиб келиндан кўзларимни аширдим. Келин бўлса, рўмолининг учини оқиб келаётган кўз ёшларига босди.

Бир кам дунё, деб шунга айтсалар керак-да!

Турсунбой БОЙМИРОВ

Газетанинг навбатдаги сони 28 сентябр, шанба кунини чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi.

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev. Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilizimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A. Toshev. Navbatchi: S. Abdurahmonov. Musahhib: S. Shodiyeva. Bosilishga topshirish vaqti: 19.00. Topshirildi: 19.00. E-mail: ishonch2012@gmail.com. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov. «Sharq» nashriyot kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.